

Бақара 277 оят

22:48 / 31.05.2017 3622

مَيِّحًا لِّلْمُحْسِنِينَ وَاللَّامِعِينَ

مُؤْتِي مَالِهِمْ لِيُؤْتُوا مَوَاسِقًا وَأُولَئِكَ هُمُ الَّذِينَ يُؤْتُونَ مَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

Бақара 277. Албатта, иймон келтирган, солих амалларни қилган, намозни тўқис адо этиб, закотни берганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

Ҳақиқий иймон эгаси бўлган кишилар доимо яхши амалларни қиладилар, хусусан, намозни вақтида яхшилаб адо этадилар. Иқтисодий соҳада эса закот берадилар. Рибохўрлар одамларнинг пешона терлари билан топган даромадларини ҳаром йўл билан ўзлаштириб олаётган бўлсалар, мўминлар ўзлари пешона тери билан топган ҳалол молларидан закот чиқариб, одамларга шундай, еб кетарга берадилар. Қайтариб олиш ёки ўрнига бошқа нарса олиш умидлари ҳам йўқ. Уларнинг бирдан-бир умидлари

«Албатта, иймон келтирган, солих амалларни қилган, намозни тўқис адо этиб, закотни берганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир» деган ваъдадандир. Улар икки дунёда эминлик ва бахт-саодатда бўлурилар. Чунки

«Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».